

ХОРИЖИЙ БАНКЛАР КРЕДИТ ЛИНИЯЛАРИ ҲИСОБИГА МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Сатторов Нодиржон Абсаломович
Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби
тингловчиси

Ҳозирги стратегик иқтисодиёт шароитида мамлакатимизда айниқса ташқи иқтисодий фаолиятни кенгайтириб, бир қанча халқаро молиявий институтлар ва хорижий банклар билан ўзаро фойдали алоқалар ўрната бошлади. Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, кенгайтириш учун ҳуқуқий асосларини яратиб берган асосий қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1-январдаги “2022-2026-йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғриси”да ПФ-60-сонли Фармони. Ушбу Фармонининг 26-мақсадида “Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибдорлигини ошириш, келгуси беш йилда 120 млрд. долл., жумладан 70 млрд. долл. хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш”³⁴ бўйича бир қатор вазифалар белгиланган. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий пировард мақсади мамлакат иқтисодиётида бозор муносабатлари тамойилларини тўлиқ қарор топишидан иборатдир. Ушбу жараёнда эса хорижий кредит линияларининг ўрни бекиёсдир.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришган дастлабки йиллардан бошлаб миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг ўзига хос йўналишини белгилаб олди. У иқтисодиётнинг ривожланиши ва барқарорлигида инвестицияларнинг бекиёс ўрни тутишини ўз вақтида тўғри англаб этганлигининг натижасида инвестицияларга, хусусан, чет эл инвестицияларига бўлган еътиборнинг кучайиши юз бердики, бу эса бугунги кунга келиб мамлакатимиздаги инвестиция фаолиятининг ривожлантирилишига олиб келди. Бугунги кунда ривожланган инвестицион фаолиятнинг йўлга қўйилишини ҳукуматимизнинг юритаётган оқилона инвестиция сиёсатининг маҳсули эканлигини таъкидлаш лозим.

Ҳозирда Ўзбекистон иқтисодиётининг барча соҳаларида ўзгаришлар, таркибий ислохотлар олиб борилмоқда. Бундай ислохотларнинг олиб борилиши бевосита мамлакатдаги инвестиция жараёни, давлатнинг инвестиция сиёсати, унинг устувор йўналишлари ва мамлакатдаги корхоналар инвестициявий фаоллигига боғлиқ. Мустақилликнинг қисқа даврида инвестициявий фаолликни таъминлаш, уни кучайтириш борасида қатор амалий чора-тадбирлар ўтказилди, инвестиция фаолиятини тартибга солиб турувчи қатор қонун ва қонун ости ҳужжатлари ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ қилинмоқда.

Ўзбекистонда инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга

³⁴ <https://lex.uz/uz/docs/-5841063>

ошириш бўйича ҳам қатор вазифалар амалга оширилмоқда. Республикамизда турли мулкчилик шаклларига асосланган хўжалик юритувчи субъектларни кўпайтириш, жумладан, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ва бошқарув фаолияти ривожлантирилиб келинмоқда. Шунингдек, иқтисодий янада эркинлаштириш ва ривожлантириш янги инвестиция лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш ва уларни молиялаштиришнинг оптимал вариантларини қидириб топиш талабларини келтириб чиқарди. Амалиётда инвестиция лойиҳаларининг ҳажми, миқдори ва молиялаштириш манбаларига қараб иқтисодийда юз бераётган ўзгаришлар ҳақида ҳулосалар чиқариш мумкин.

Инвестиция лойиҳаси тушунчасининг тобора кенг қўлланиши, аввалом бор, ушбу атаманинг иқтисодий моҳиятини англаб олиш заруриятини келтириб чиқаради. Инвестиция лойиҳаси тушунчасига унинг йўналтирилган мақсадини амалга ошириш учун технологик жараёнларни, техник ва ташкилий ҳужжатлаштириш жараёнини, объектларни барпо этиш ва ишга тушириш жараёнини, моддию, молиявий, меҳнат ресурсларининг ҳаракатини, шунингдек, тегишли бошқарув қарорлари ва тадбирларни ўзида мужассамлаштирувчи тизим сифатида қараш мумкин. Инвестиция лойиҳаси ўз мақсади, йўналиши, амал қилиш соҳаси, муддати ва чегарасига эга бўлган алоҳида фаолият тури ҳисобланади.

Проф. Д.Ғозибеков инвестиция лойиҳалари тўғрисида фикр билдириб: “Инвестиция лойиҳасига муайян ишлаб чиқариш қувватларига келажакда алоҳида турдаги самаралар келтириши зарур бўлган, аниқ белгиланган тадбирлар йўли билан ресурсларни инвестициялаш бўйича таклифлар тўплами тарзида таъриф бериш мумкин”³⁵, деб таъкидлаб ўтади. Шунингдек инвестиция лойиҳасининг сифат-тавсифларини, бошқа тадбирлардан фарқ қилувчи жиҳатларини очиб бериши диққатга сазовордир³⁶, деб таъкидлайди.

Россиялик иқтисодчи-олим Б.А.Колтинюкнинг фикрича³⁷: “инвестицион лойиҳа кенг маънода фойда олиш мақсадида капитал қўйиш режаси” тарзида ифодалаб, уни икки хил маънода талқин этади: аниқ мақсадларга эришиш (аниқ натижалар олиш)ни таъминловчи қандайдир ҳаракатлар мажмуини амалга оширишни назарда тутувчи тадбир, фаолият; қандайдир ҳаракатни амалга ошириш учун зарур бўлган аниқ ҳисоб-молиявий ва ташкилий-ҳуқуқий ҳужжатларни қамраб олувчи тизим.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасида: “Инвестиция лойиҳаси – иқтисодий, ижтимоий ва бошқа фойда олиш учун инвестицияларни амалга оширишга ёхуд жалб этишга қаратилган, ўзаро боғлиқ бўлган тадбирлар мажмуи”³⁸, деб таърифланган.

Қайд этиш жоизки, инвестиция лойиҳаси тўлиқ ва мукамал ҳисоб-китоблар

³⁵ G'ozibekov D.G'. Investitsiyalarni moliyalashtirish masalalari. – Т.: «Moliya», 2003. 67-68-b.

³⁶ G'ozibekov D.G'. Investitsiyalarni moliyalashtirish masalalari. – Т.: «Moliya», 2003. 67-69-b.

³⁷ Колтынюк Б.А. Инвестиционное проектирование объектов социально-культурной сферы: Учебник. – СПб.: «Михайлова В.А.», 2000. – Стр. 13.

³⁸ O'zbekiston Respublikasining “Investitsiyalar va investitsiya faoliyati to'g'risida”gi. 2019 yil 9 dekabr, O'RQ–598-son.

ёрдамида асосланган юридик ҳужжатлар тўплами ҳисобланади. Инвестиция лойиҳаси келишилган муддатларда аниқ мақсадларга эришиш ҳамда режалаштирилган натижаларни олиш учун аниқ миқдордаги ресурсларни (интеллектуал, молиявий, моддий) қўйишни, жойлаштиришни кўзда тутувчи тадбирлар мажмуидир.

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган хорижий банкларнинг маҳаллий банкларимизда очилган кредит линиялари ҳисобига инвестиция лойиҳаларини кредитлашдаги асосий шартлари ва мезонлари³⁹

| Kreditlash shartlari | AQSH Eksimbanki | KfW Germaniya banki |
|---|---|---|
| Kreditlarning maqsadli ishlatilishi | Kichik biznes korxonalarini qo'llab-quvvatlash, import asbob-uskunalar va texnologiyalarni sotib olishni moliyalash, shuningdek, subloyihalarni moliyalash bilan bog'lik bo'lgan ishchi sarmoyasiga ketadigan xarajatlarni qisman koplash. Ishchi sarmoyasini, shuningdek, xizmat ko'rsatish sohasini alohida moliyalash | |
| Qarz oluvchi | O'zbekiston Respublikasi Qonunlariga muvofiq xususiy, kichik biznes korxonalari (xususiy sektorning nazorat ishtiroki bo'lgan qo'shma sarmoya ham bo'lishi mumkin) | |
| Kreditlash davri | Foydalanishga topshirilgan kundan boshlab 6 oylik imtiyozli davr bilan birga ko'pi bilan 7 yil | 1,5 yildan 5 yilgacha, imtiyozli davr 1,5 yil. |
| Kreditning maksimal summasi | 5 mln. AQSH dollari, biroq, loyiha boshlang'ich qiymatining | 2,5 mln. Yevro, biroq, loyiha boshlang'ich qiymatining 75 %idan oshiq bo'lmagan miqdorda |
| | 85 %idan oshiq bo'lmagan miqdorda | |
| Kreditning minimal summasi | 100 ming AQSH dollari | |
| O'z mablag'lari (o'z sarmoyasi) | Loyiha boshlang'ich qiymatining 25 %idan kam bo'lmagan miqdorida. Buni qarz oluvchi o'z mablag'lari, loyihani amalga oshirish uchun zarur bo'ladigan binolar, inshootlar, mashina va asbob-uskunalar, ishlab chiqarishdan oldingi davrning aylanma sarmoyasi va moliyaviy xarajatlarini qoplashga ketadigan boshqa mablag'lar ko'rinishida ta'minlashi mumkin | |
| Garov ta'minoti | Kredit summasining 120 %idan kam bo'lmagan miqdorda (Hukumat va uchinchi shaxslar kafolatlari, sug'urta polislari, asosiy vositalar, binolar, inshootlar (baholangan qiymatining 70 %igacha miqdorida), asbob-uskunalar (baholangan qiymatining 60-70% miqdorida)) | |
| Kredit uchun foizlar | - | YevroLIBORning foiz stavkasiga asoslangan foiz+ KfW marjasi+O'zbekiston Respublikasi mahalliy banki marjasi |
| Kreditni tashkil etish uchun 1 marta to'lanadigan vositachilik haqi | Barqaror valyutadagi kredit summasining 0,1%i miqdorida | Kredit summasining 0,75%i miqdorida |
| Majburiyat uchun vositachilik haqi | - | Barqaror valyutadagi kreditning foydalanilmagan summasidan yiliga 0,25% hisobida |
| Kreditni boshqarish uchun vositachilik haqi | To'lov kunidagi joriy kurs bo'yicha mahalliy valyutadagi kredit summasidan yiliga 0,15% hisobida | |

Кўчмас мулкни баҳолаш усуллари

1. Харажат усули.

³⁹ Magistrant tomonidan ishlab chiqilgan.

2. Бозор усули.

3. Даромад усули.

Харажат усулида ер участкасини сотиб олиш ва келгусида амалга ошириладиган курилиш харажатлари ҳисобга олинади. Бунда инвестор оладиган даромад миқдори ҳам ҳисобга олинади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. 1995-йил 21-декабр.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2019-йил 5-ноябрдаги «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги (янги тахрир) ЎРҚ-580-сонли Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2019-йил 25-декабрдаги «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3620 сонли қарори. 2018.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 13-июлдаги "Жаҳон банкининг "Doing business" халқаро рейтингда Ўзбекистоннинг ўрнини яхшилаш тўғрисида" ги қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 20 декабрдаги "Халқаро ва хорижий молия институтлари билан ҳамкорликнинг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3439 сонли қарори.
7. Ҳозирбеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. – Т.: «Молия», 2003. – 203 б.
8. Каримов Н.Ғ. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестицияларни фаолиятининг молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш масалалари. Монография. – Т.: «Фан ва технологиялар», 2012. – 240 б.
9. Никонова И.А. Проектный анализ и проектное финансирование. – М.: «Альпина Паблицер», 2012. – 160 с.